



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 62 (10.115)

2004 ЙИЛ 1 АПРЕЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ
Дар кўни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **АҚШНИНГ** Тинчлик корпуси ташаббуси билан Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциациясида боғча ва мактаб ўқитувчиларига инглиз тилини ўргатишнинг янги усулларини таништиришга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда 80 нафар инглиз тили ўқитувчилари иштирок этишди.

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Марказий Осиёда геостратегия жараёнларининг ривожланиши» мавзуда ўтказилган анжуманда франциялик сиёсатшунослар ҳам иштирок этишди.

● **ХАЛҚАРО** донор ташкилотлари томонидан мурувват ёрдами сифатида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига тиббий асбоб-ускуналар топширилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** умумтаълим мактаблари учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

● **ХАЛҚАРО** бизнес марказида «Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш» мавзуда ташкил этилган семинарда «Жайка» халқаро ташкилоти вакиллари ҳам иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** Марказий банкида банк соҳаси мутахассислари иштирокида уюштирилган анжуман «Банкларда лизинг операциялари кўламини кенгайтиришнинг истиқболлари ва уларни қўллаш» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Тинчлик — энг улуг неъмат

ҲАМИША ОГОҲ ВА ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

Тинчлик, осойишталик энг улуг неъмат бўлиб, уни асраш, ёвуз кучлар ва ёмон кўзлардан сақлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Кейинги кунларда шаҳримизда содир этилган муҳим террорчилик ҳаракатлари барча тинчликпарвар кучлар томонидан кескин қораланмоқда. Фақат бир нарсаяёнки, тинчлигимизни, мустақил юртимиз ютуқларини кўролмаётган бир тўда ғаламис кимсалар беғуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлиб, элу юрт нафратига учрадилар. Ҳозирда шаҳримиз маҳаллалари, корхона ва ташкилотлар, олий ўқув юртларида «Огоҳликка даъват», «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуда учрашувлар ўтказилиб, уларда халқимиз маъмур ғаламислик хуружларига ўз муносабатларини билдирмоқда.

ЎЗ УЙМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК

КЕЧА Ҳамза туманидаги Усмон Юсупов номли маҳалла гузарига тумандаги етти та маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, Республика диагностика маркази, Темир йўл шифохонаси ва биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ва 145-мактаб жамоалари тинчлик-осойишталикни сақлаш, шу билан бирга огоҳ ва ҳушёр бўлиш лозимлиги ҳақидаги фикрларини билдирдилар.

Ҳамид КАРИМОВ,

2-Тошкент давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор:

— Озод ва обод юрт камолтини кўролмаган, ўз Ватанига хиёнат қилиб, беғуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган инсон кифёсидаги махлуқларнинг қилмишлари бутун Ўзбекистон халқининг юрагини ларзага солди. Халқ сотқинни, хоинни ҳеч қачон кечирмаган, кечирмайди ҳам. Бошимизга қандай синовлар тушмасин барини мардонавор энгиб ўтган халқимиз. Ғаламислар хомтама бўлмасин, тинчлигимизга, осойишта кунларимизга ҳеч ким даҳл қилолмайди, озодлик осмонини бедор кўриқлайдиган марду майдонлари бор.

Самад ТУРАЕВ,

Усмон Юсупов маҳалласи профилактика катта инспектори, милиция катта лейтенанти:

— Ўзбекистон халқи мустақиллигини осонликча қўлга киритмаган, энди уни кўз қорачиғидай асрашни ҳам билади. Керак бўлса юртимиз, халқимиз тинчлиги учун жонимизни тикишга ҳам тайёрмиз. Улим билан юзлашганда ҳам ўз бурчига содиқ қолиб, хизмат вазифасини бажарётган вақтда ҳалок бўлган ходимларимизнинг номлари мардлар қаторида тилга олиниб, ёдимизда мангу қолиши шубҳасиз.

Шунингдек ушбу йиғилишда туман прокурори Баҳром Эрматов, «Дўстлик» маҳалласи фаоли Хонзода Абдужалилова, Усмон Юсупов маҳалласи оқсоқоли Абдухалил Мўминов, шу маҳалла фаоллари Анвар Эгамбердиев, Александра Котлитская ва бошқалар сўзга чиқиб ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз лозимлиги, барчамиз ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз лозимлигини таъкидлашди. Жойларда тинчликни сақлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтишди.

Бундай учрашувлар Акмал Икромов, Яқкасарой, Мирзо Улугбек, Юнусобод, Собир Раҳимов туманларида ҳам бўлиб ўтди. Ҳозир вазият барчамиздан ҳушёр бўлишни талаб этади. Юзага келган вазиятда нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки жамоатчилик, маҳаллалар фаоллари ва оқсоқоллари турар жой мавзелаарида осойишталикни сақлаш қораларига эътиборни қаратиши лозим. Умумий уйимизда бефарқлик ва лоқайдликка йўл қўймаймиз керак.

ШАҲРИМИЗДА юз берган террорчилик ҳаракатлари осойишта ва фаровон турмушимизнинг тинчлигини бузмоқчи бўлди. Лекин, бу ёвуз кимсалар халқимизнинг иродасини бука олмайди. Қадимдан халқимиз бирдам ва ҳамжихат бўлиб ёвуз кучларни энгиб келган. Юртбошимизнинг ҳушёрлигига, огоҳликка даъватлари ҳар биримизни, айниқса ёшларимизни янада дадилликка, сезгирликка ундамоқда. Қабиҳияни кимсаларнинг бу қилмишларини бугун ёшу ҳақи қаттиқ қораламоқда. Мустақиллик, тинчлик каби улуг ва олий неъматдан баҳраманд бўлган эли-

ЮРТИМИЗДА содир этилган террорчилик ҳаракатлари бизни ягона кучга айланиб, бундай қабиҳ ишларга йўл қўймайлик даъват этмоқда. Маҳалламиздаги посбон ва профилактика инспекторлари туну кун эл осойишталигини сақлаш ва ҳимоя қилиш учун турибмиз. Мен Юртбошимизнинг биз посбонларга ўз фарзандларидек эътибор билан ишонч билдирганликларидан янада руҳланиб шундай демоқчиман: Тинчлик ва осойишталикнинг шукронасини дилимизга жойлаб, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз керак.

Манфур террорчилар билан юзма-юз келган, ўз қасамёдига содиқ қолиб, элу юрт омонлиги йўлида мардларча ҳалок бўлган Мансур Тургунов, Эркин Саидов, Муҳиддин Омонов, Қодир Раҳмонов ва бошқа осойишталик посбонларининг порлоқ хотираси халқимиз, уларнинг сафдошлари қалбига абадий сақланиб қолади. Уларнинг фарзандлари эса мард ва жасур оталарига муносиб издош бўлиб вояга етадилар ва бундан умрбод фахрланиб юрадилар.

Ғулмуҳаммад АҲМЕДОВ,
Акмал Икромов туманидаги
«Уриқзор» маҳалласи
посбонлари сардори.

ТўРТ йиллик уруш жангхоналарида не-не машаққатларни кўрмадим, дейсиз. Ана шу ҳаёт-мамонт жанглари давомида битта оддий ҳақиқатни англадим. Тинчликда уяшнинг қадрига етиш керак. Яратганга беадад шукрки, озод ва обод Ватанда, дориломон кунларда яшаймиш. Биз кўрмаган ёруғ кунларни иншоолло, фарзандларимиз кўришмоқда.

Минг афсуски, шундай ютуқларимизни кўра олмайдиган қора кучлар ҳамон мавжуд. Ватани ҳам, миллати ҳам бўлмаган терроризм балосини бутун ер юзидан супуриб ташлаш керак. Мен барча ёшларни, посбонларни ва маҳаллалар ахлларини жирканч терроризм балосига қарши курашишга чақираман.

Икром ЖАЛИЛОВ,
II жаҳон уруши қатнашчиси.

мизга ҳасад қилгучи нопоқлар албатта жазосини олади. Халқимиз осойишталигини ҳимоя қилиш учун жонини қурбон қилган ватандошларимиз, тинчлигимиз посбонлари хотираси ва уларнинг жасорати қалбларимиздан асло ўчмайди. Барчамиз бирдам бўлиб мусоффо осмонимизнинг тинчлигини кўз қорачиғидек асрашга бурчимиз.

Мавлуда ИСМАТОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Юнусобод туманидаги
273-мактаб директори.

XXI саҳоси
ХАҚИ
Борча маъбалардан
олиғни сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкент шаҳри ва Бухоро шаҳри яқинида содир этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ўзбек халқига БМТ Бош қотиби Кофи Аннан, НАТО Бош қотиби Яап де Хооп Схеффер, ЕХХТ Бош қотиби Ян Кубиш, Европа Иттифоқи ташқи алоқалар бўйича комиссари К.Патте, ЕИ Кенгашининг амалдаги раиси Брайн Ковен чуқур ҳамдардлик изҳор қилишди.

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маънавий-маърифий алоқалар жамияти кенгашида «Дўстлик меҳр-мурувватдан бошланади» мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

● Асака туманидаги 2-тажриба экспериментал пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раҳбари «Тижоратда энг юқори сифат» иккинчи халқаро форумида қатнашиш учун тайёрланмоқда. Унга Женевадаги анжуманда Асака толаси учун олтин медал топширилди.

Жаҳонда

● Сербияда собиқ Югославия даврида ҳарбий жиноятлар содир этганликда айбланаётганларга энгиллик тугдирувчи қонун лойиҳаси мамлакат парламенти томонидан қабул қилинди.

● Жанубий Корея Конституциявий суди мамлакат Президенти Ро Му Хенга нисбатан қўлланган импичмент тўғрисидаги қонунни кўриб чиқишни бошлади.

● Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилаётган «Келажак йўлидаги ҳамкорлик» номли халқаро конференцияда асосан Афғонистон масаласи кўриб чиқилмоқда.

Иқтисодиёт

200 ТА
ЭЛЕКТР САНДАЛ
ТАЙЁРЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «PGS» хусусий фирмаси тadbиркорлари ўзларининг кичик технологиялари билан тadbиркорлик ривожига муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, инсон саломатлиги йўлида фойдали ускуналар ишлаб чиқаришга ҳам эътибор қаратишмоқда.

Бугунги кунга келиб корхонада 15 турга яқин замонавий дастгоҳ ва ускуналар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Энг асосийси эса ушбу маҳсулотлар импорт ўрнини босиши, сифати ва нархи бирмунча арзонлиги, шу билан бирга кичик дастгоҳлар асосида тайёрланган турли хил маҳсулотлар сифати ва харидорлиги билан ажралиб туради. Улар ўрнатишга қулай, кўп жой эгалламайди.

Хозирги кунда корхона тadbиркорлари изланишлари асосида ишлаб чиқарилган янги маҳсулот — сополдан тайёрланган сандалларга харидорлар сафи кенгайиб бормоқда. Бойси инсон саломатлиги учун фойдали ҳисобланган ушбу маҳсулот оғирлиги атиги 5-6 килограмми ташкил этиб, иссиқликни секин узатиб, танангизга ҳузур бахш этади. Хозирги кунда ушбу электр сандаллардан республика кардиология маркази, «Кибрай» санаторийсида беморларнинг соғлигини мустаҳкамлашда кенг қўлланилмоқда ва унинг қулай ҳамда фойдалилиги эътироф этилмоқда.

— Хозиргача янги маҳсулотимиздан 200 та ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди, — дейди корхона директори Полянте Свешников. — Унга нафақат республикамиз, балки қўшни давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Имкониятларимизни чамалаб чиқиб жорий йилда Қозғистон давлатига маҳсулотларимизни экспорт қилмоқчимиз.

ЖАҲОН

АНДОЗАЛАРИГА
ЖАВОБ БЕРАДИ

Мамлакатимизда жаҳон андозалари даражасида сифатли маҳсулотлар тайёрлаётган тadbиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Ана шулардан бири «Тўхтаниёз ота» корхонасида тайёрланаётган колбаса маҳсулотлари харидорларимизни мамнун этмоқда. 2000 йилда иш бошлаган ушбу жамоада асосан гўшти қайта ишлаш асосида аҳоли дастурхонига рақобатбардош товарлар етказиб берилмоқда.

Италиядagi «VERPAC» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган замонавий қадоқлаш линиялари ўрнатилган корхона цехларида ўтган йилда 112 тонна колбаса, 39 тонна сосиска маҳсулотлари тайёрланиб, уларнинг маълум қисми шахримиз савдо шохбчалари орқали пойтахтимиз аҳолисига сотилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, маҳаллий хом ашёдан жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар тайёрлаётган тadbиркорлар ўтган йилда Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманда «Олтин-сифат» белгиси совриндори бўлишди. Хозирда 30 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, маҳсулотнинг харидориги турларини кўпайтириш кўзда тутилган.

Шарофат БАХРОМОВА

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органларига «Ҳайратон» назорат-ўтказиш пункти учун ускуналар берди.

«Ҳайратон» учун
янги ускуналар

ЎЗА муҳбирига Минтақавий ваколатхонадан хабар беришларича, махсус ускуналар Давлат божхона кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси учун мўлжалланган. Бу тadbир «Ўзбекистон-Афғонистон чегарасида «Ҳайратон» назорат-ўтказиш пункти фаолиятини тиклашда Ўзбекистонга кўмаклашиш» икки йиллик лойиҳаси доирасида ўтказилмоқда.

Ҳуқуқ-тартибот органлари кириш ва чиқиш пунктларида йўловчилар ва юкларни кўздан кечириш учун рентген ускуналари, узлуксиз ишни таъминлаш учун электр энергияси генераторлари, ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш бўйича махсус тармоқларни яратиш

ҳамда божхона ва чегара назоратини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият учун компьютер ускуналари топширилди. Натижада «Ҳайратон» назорат-ўтказиш пункти фаолияти анча яхшиланади, бу эса Афғонистонга ва ундан ташқарига юклар оқими суръатига ижобий таъсир кўрсатади.

Умумий қиймати 2 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳа Ўзбекистон-Афғонистон чегарасидаги «Ҳайратон» назорат-ўтказиш пунктида божхона ва чегара назоратини такомиллаштириши, наркотикларга қарши курашда Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари салоҳиятини оширишга қаратилган. Лойиҳанинг асосий донорлари - Буюк Британия, Норвегия, АҚШ, Финляндия.

ЎЗА

Лизинг хизматлари —
кичик бизнесга

«BARAKA» универсал лизинг компанияси акциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. У ўтган йилги иш якунлари ва 2004 йилги ривожланиш йўналишларига бағишланди.

Таъкидландики, ўтган йили компания ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлардан фойдаланган ҳолда умумий қиймати 528,5 миллион сўмлик 20 та лизинг лойиҳасини амалга оширди, бу эса 2002 йилдагидан деярли икки баробар кўпдир.

Лизинг хизматлари мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарга кўрсатилди, аммо кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларига алоҳида эътибор берилди. Амалга оширилган лойиҳаларнинг 91 фоизи республика ҳудудлари тadbиркорларига тўғри келади, 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Икки йилдан уч йилгача молияланган лойиҳалар асосан ишлаб чиқариш ускуна-

лари, компьютерлар, автотранспорт воситаларини етказиб бериш ва лизингга бериш билан боғлиқ. Компания активлари жорий йилнинг бошида 2,2 миллиард сўмни ташкил этди, бу эса 2002 йил кўрсаткичларидан 29 фоиз кўп демакдир.

Таъсисчиларнинг компанияни очиқ акциядорлик жамиятига айлантириш ва низоом жамғармасини 1 миллиард сўмга етказиш тўғрисидаги қарори катта воқеа бўлди. Ушбу қарор фаолият қўламини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларини ҳудудларда лизинг хизматлари билан кенгроқ қамраб олиш, бўлимлар тармоғини ривожлантириш, бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган.

Иқтисодиёт

АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА

«Generous» масъулияти чекланган жамияти тadbиркор раҳбари Фарҳод Ортиқхўжаевнинг ташаббускорлиги, янгиликка ўчлик, доимо олган интилишлари муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Фаолиятини 2003 йилнинг февраль ойидан бошлаган мазкур корхона жамоаси 80 фоиз хом ашёни четдан келтириб ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, бугунги кунга келиб эса изланиш, соҳани чуқур ўрганиш ва баракали меҳнат эвазига маҳсулотларининг 80-90 фоизи маҳаллий хом ашёдан тайёрланмоқда.

— 2001 йилда Чилонзор sanoat-қурилиш банкидан 41 миллион сўмлик кредит олиб, тadbиркорлик фаолиятини бошлаганим, — дейди Фарҳод Ортиқхўжаев. — Олинган фойда эвазига пулли тўхташ жойи, автомашиналарни ювиш ҳамда таъмирлаш хизматларини кўрсатувчи автосервис ташкил этдим ва ундан олинган фойда эвазига ишлаб чиқаришда ўзимни синашга аҳд қилдим. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ривожини учун яратилаётган барча имкониятлар, имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, ички бозоримизни маҳаллий хом ашёдан тайёрланган рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга, қўшимча иш ўринлари яратишга интилиб меҳнат қилмоқдамиз.

Мазкур корхонада алюмин ҳамда пластикани кенг қўллаган ҳолда эшик, ром ва витражлар хорижий энг замонавий дастгоҳлар ёрдами-

да тайёрланади. Мижознинг хоҳишига инобатга олинган ҳолда дизайнчи компьютерда ишлангани тавсия этади. Буюртма битгач, корхона ходимлари уни ўрнатиб ҳам беришади.

Ўтган-2003 йилда корхона жамоаси 12 миллион сўмлик маҳсулот сотган бўлса, жорий йилнинг 2 ойида 15 миллион сўмлик сифатли бажарилган буюртма ўз мижозларига етказиб берилди. 25 нафар ишчи-хизматчилардан иборат жамият аъзолари ўтган йили пойтахтимизда ўтказилган Европа Тиклашиш ва тараққиёт банки бошқарувчиларининг йиллик саммити қатнашчиларини кутиб олиш маросимига «Туркистон» саройида синхрон таржимонлар учун кабиналар, «Регистон» қаҳвахонаси учун бежирим, мустаҳкам эшик, ром, витражлар тайёрлаб беришди.

Шунингдек, Андижон, Навоий, Термиз шаҳарлари, кўплаб вилоятларда корхона маҳсулотлари мўхташам иншоотларга кўрк бағишлаб турибди. Фуқаролардан хусусий буюртмалар ҳам қабул қилиб, барча буюртмалар ўз муддатида бажарилишига ва маҳсулотнинг сифатига асосий эътибор қаратилади.

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу корхона тadbиркорлари ишлаб чиқа-

рилаётган маҳсулотлари чиройли, энгил, ишлатишда осон ва қулай, экологик тоза материаллардан тайёрланишига ва албатта, узоқ йиллар беминнат хизмат қилишига эътибор қаратмоқдалар.


Жорий йилни жамият аъзолари эзгу ниятлар билан бошлаб, меҳнатлари самараси ўлароқ Шайхонтоҳур туманида ўтказилган «Ташаббус-2004» танловида кўплаб даъвогарлар орасида энг юқори — 1-ўринга сазовор бўлишди.

Корхона тadbиркорларининг режалари бисёр. Халқимизнинг энг азиз байрами — Мустақиллигимизнинг 13 йиллигигача 2 қаватли фирмали дўконни ишга тушириш мақсадида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Абдулла Қодирий кўчасида жойлашган мазкур бино ишга тушса, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда 30-40 нафар фуқароларга янги иш жойлари яратиш имконияти туғилади.

«Харакатда — барака» деб халқимиз бежиз айтмайди. Иш кўзини билган жамиятнинг ишчи-хизматчилари ички бозорда муқим ўрин эгаллашга, янгидан-янги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бел боғлашган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «Generous» масъулияти чекланган жамиятининг малакали ишчилари тайёрлаган маҳсулотлардан намуналар; хорижий дастгоҳларни маҳаллий ёшларимиз бошқармоқдалар.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.



Таълим

НУФУЗЛИ
ЛОЙИХА
ДОИРАСИДА

Мамлакатимизда «Касб-хунар коллежларида ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш» лойиҳаси асосида маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг мурувват ёрдами доирасида юзага келган ўқув дастурларини такомиллаштириш, уларни таълим жараёнига татбиқ этиш ва баҳолаш орқали ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ушбу нуфузли лойиҳада пойтахтимиздаги қатор касб-хунар коллежлари фаол қатнашмоқда.

Тошкент авиасозлик, Миробод ва Мирзо Улуғбек санат, Мирзо Улуғбек машинасозлик ва Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежларининг ана шу йўналишдаги дастлабки фаолиятлари ҳам қутилган натижаларни берди.

Бу масалага бағишлаб уюштирилган анжуманда Буюк Британия таълим муассасаларининг ижтимоий ҳамкорлик борасидаги тажрибалари видеоларлар орқали намойиш қилинди.

ИШ ТАЖРИБАСИ
ОММАЛАШТИ-
РИЛДИ

Кадрлар тайёрлаш жиллий дастури талаблари асосида касб-хунар коллежлари таълим тизимида янги педагогик технологияларнинг қўлланиши» деган мавзуда ўтказилган семинарда қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Касб-хунар коллежларида ўқув-ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолиятини ташкил этиш йўллари оид чиқишлар ҳам таҳлилларга бой бўлди.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодий таълим педагогикаси» кафедраси, «Ўзбекистон» миллий компаниясининг ўқув маркази томонидан уюштирилган маърузалар ҳам тингловчиларда қизиқиш уйғотди.

Энг яхши касб-хунар коллежлари иш тажрибаси оммалаштирилди.

ҚУТЛУФ САНАГА
БАҒИШЛАНДИ

Зиёлилар севган, республикамизда чоп этиб келинаётган «Халқ таълими» журнали 85 ёшга тўлди.

Ўзбекистон халқ таълими вазириликнинг илмий-методик наشري ҳисобланган бу педагогик матбуот тарихи катта йилномани ўз ичига олади.

Тошкент шаҳар ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўтказилган илмий-педагогик конференция ҳам шу санага бағишланди. Унда журналнинг халқ таълими ривожига тугган ўрни ҳақида илиқ гаплар айтилди.

Журналнинг юбилей яқин орада кенг нишонланади.

Акбар АЛИЕВ

2004 — Меҳр ва мурувват йили

САХОВАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Куни кеча Сергели туманида туман ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташаббуси билан ушбу ҳудудда фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва хусусий тадбиркорлар иштирокида «Саховат ярмаркаси» ўтказилди. Унда иштирок этган барча тадбиркорлар ўз маҳсулотларини 30-40 фоиз арзонлаштирилган нархларда сотдилар.

Мазкур хайрли тадбир Меҳр ва мурувват йилига бағишланган бўлиб, унда Сергели туман ҳокимлиги, туман ижтимоий-таъминот бўлими ҳамда туман «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда туманда истикомат қилувчи кам таъминланган оилалар, муҳтожларга қўллаб турдаги совға-саломлар топширилди. Айниқса, саховатпеша тадбиркорлар химмати билан бир неча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда кийим-кечакларни ёлғиз қария, ногиронлар хонадонларига туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ва маҳаллалар оқсоқоллари олиб боришгани, уларнинг кўнгиллари хушнуд этилганлиги эътибор-

га сазовор, албатта.

Тумандаги «Хан-био-тек» масъулияти чекланган жамияти 35 минг сўмлик, «Кристалл туз» масъулияти чекланган жамияти 51 минг сўмлик 510 килограмм йодланган ош тузи, «Прогресс-парранда» паррандачиликка ихтисослаштирилган хусусий корхонаси ҳам анчагина миқдордаги гўшт ва туҳум маҳсулотларини саховат учун ажратдиши.

Шунингдек, туманда сифатли, кўркам, замонавий маҳсулотлари билан элга танилган хунарманд Венера Ёкубова 10 жуфт кийим-кечакларни, «Мингбулоқ тадбир» масъулияти чекланган жамияти томонидан

минерал ва ширин сувлар, «ALTAS» хусусий фирмаси, «Димбалов.С.И.» хусусий корхонаси ҳам бир неча ўн минг сўмлик ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини тақдим этдилар. Тумандаги «Неварсервис» соғломлаштириш маркази хусусий корхонаси 6 нафар ногиронларнинг саломатликларини тиклаш, назорат қилиб, мунтазам равишда уларга тиббий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар.

Бундан ташқари тадбиркорлар ҳромийлигида Сергели миллий боғида қўл болали ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига байрам уюштирилди. Шу куни қўллаб болажонлар боғда ўрнатилган турли-туман аттракционларда бепул учиб, дилдан яйраб-қувнашди.

Азалдан меҳр-мурувватли, саховатпеша, бағри кенг халқимиз бу каби савобли ишлари билан нафақат қўллаб муҳтож оилалар юрагига нур бўлиб, кўнгилларини шод қилдилар, балки эртаминнинг давомчилари бўлган болажонларнинг қалбларида эзгулик, меҳр-муҳаббат уйғотишга муваффақ бўлганлари, шубҳасиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ТАБИАТ ВА
ҚОНУН

Тошкент Давлат юридик институтида экология қонунчилигини янада такомиллаштиришга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Табиат ато этган неъматларни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Бу борада юртимизда миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган қонунчилик мезонлари мавжуд. Уларда атроф-муҳит муҳофазасининг энг муҳим масалалари аниқ-равшан белгиланган.

Шунга қарамай, айрим ҳолларда табиатга зиён келтираётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Баъзи корхона ва ташкилотлар ходимлари ва фуқароларнинг экологик-ҳуқуқий билимлари пастлиги ҳамда бу борада жавобгарлик етарли эмаслиги ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Анжуманда бугунги кун талабларига мос меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

Санъат

БОШ РОЛДА —
ЗАЙНИДДИН

Айни кунларда Ўзбекистон халқ артисти, хушбўвот хонанда Юлдуз Усмонова футболчилар ҳақида янги кўшиқ тайёрламоқда.

Мазкур кўшиқ асосида видеоклип ишланиши кўзда тутилган. Шуниси қизиқи, «Пахтакор» жамоасининг моҳир ҳужумчиси Зайниддин Тожиёв ўз маҳоратини санъат соҳасида ҳам синиб кўришга аҳд қилди. Эндиликда Зайниддин биз юқорида номини тилга олган видеоклипда бош ролни ижро этади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ



Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб, етук мутахассислар тайёрлаш борасида изланишлар олиб бормоқда.

СУРАТДА: институт ўқитувчиси, техника фанлари номзоди Жамолiddин Зокиров инженер-қурилиш факультети талабалари фикр-мулоҳазаларини ҳамиша эътиборга олади.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Ҳамкорлик

Куни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театрида Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ва Россия санъат академиясининг академиги Елена Образцова, «Олтин Орфей» мукофоти соҳиби, «Балон» мусиқа академиясининг фахрий аъзоси Зураб Соткилава, Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалиловлар билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ИЖОДИЙ КЕЧА ОЛДИДАН

Бу учрашув Муяссар Раззоқованинг концерт олди ижодий кечасига бағишланди.

Жаҳон опера сахнасининг юлдузлари Елена Образцова, Зураб Соткилаванинг ушбу концертда иштирок этиши алоҳида аҳамиятга мولى воқеалар.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирилик, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик Катта театри ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур концерт дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик алоқаларининг янада мустаҳкамланиб боришида муҳим роль ўйнайди.

— Мен Муяссар Раззоқованинг истеъдодини, овозини ҳурмат қиламан. У опера сахнасининг ёрқин юлдузларидандир, — дейди Елена Образцова. — Ўз ижодий концертларимни Париж, Лондон, Вена, Милан, Мюнхен, Гам-

бург, Прага, Берлин, Нью-Йорк, Токио, Барселона каби жаҳоннинг энг йирик шаҳарлари ва пойтахтларда намойиш этиб келмоқдаман. Ҳозир эса Ўзбекистондаман. Бу менинг ўзбек сахнасидаги биринчи чиқишим. Ўйлайманки, ҳали Ўзбекистонга кўп бор ташриф буюримиз, ижодий ҳамкорлик давом этаверади.

Муяссар Раззоқова эса жуда ҳам ҳаяжонда эканлигини, Елена Образцова ва Зураб Соткилаванинг ташрифидан бахтиёрлигини, бу унинг ижодидида энг ёрқин ва порлоқ хотира бўлиб қолишини таъкидлади.

Ҳа, дарҳақиқат, бўлажак концерт ўзбек опера санъатида оламшумул воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз. Чунки Муяссар Раззоқова, жаҳон опера сахнасининг юлдузлари иштирокидаги концерт санъат соҳасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларининг илк меваларидандир.

Гулчехра ДУРДИЕВА

АДВОКАТЛИК ТИЗИМИДА
ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР

Кейинги олти йилда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган адвокатлар икки барабар қўлайиб, уларнинг сони уч минг нафарга етди. Бу ҳақда республика Адвокатлар уюшмасининг раиси Баҳром Саломов Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиё ва Россия: халқаро меъёрларни адвокатура қонунчилигига татбиқ этиш муаммолари» мавзусидаги халқаро анжуманда маълум қилди.

Анжуман Ўзбекистон адвокатлар уюшмаси ва К. Аденауэр жамғармаси ҳамда OSI (адвокатлар малакасини ошириш маркази) ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия ва Германия мамлакатлари

ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Анжуманнинг асосий мақсади мавжуд халқаро меъёрларни адвокатура тўғрисидаги миллий қонунчиликка уйғунлаштириш билан боғлиқ муаммоларни муҳофиза этиш эди.

— Анжуман Марказий Осиё ва Россияда фуқаролик жамияти шаклланиш жараёни тез ўсаяётганлиги боис ушбу мавзу танланди, — деди К. Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё ва Қозоғистон бўйича минтақавий вакили Томас Кунце. — Бугунги кунда адвокатура фаолияти масалалари, унинг давлат идоралари билан ўзаро муносабатларини меъёрий-ҳуқуқий мувофиқлаштириш борида анчагина тажриба тўпланган.

Анжуманда асосан, «Адвокатларнинг давлат билан ўзаро муносабати» ҳамда «Адвокатура ва узулқисс ҳуқуқий таълим» муаммолари кўриб чиқилди.

А.АРСЛОНОВ,
«Туркистон-пресс»

Диндаш гаплар

ЯХШИЛИК — УМР ЗИЙНАТИ

Жорий йилнинг «Меҳр ва муруват йили» деб эълон қилинган боис бугун Республикамиз бўйлаб хайр-саховат юмушлари, бир-бирига кўмак бериш каби беминнат қилинадиган табдирлар кўлаб ўтказилмоқда. Азал-азалдан бир-бировидан бир бурда нонини аямаган, керак бўлса жонини ҳам гаровга қўядиган халқнинг фарзандларимиз. Беминнат, бетаъма, киноя ва гина-қудуратсиз қилинади бу ишлар...

Бир кун эрталаб ишга кетаётиб беихтиёр икки аёлнинг суҳбати қўлагимга чалиниб қолди. Оддийгина кийинган, меҳнатда эзилганлиги кўриниб турган бу аёллар фарзандларидан хафа бўлиб гаплашиб келишарди.

— Катта ўғлим Боситжон рўзгорни бир ўзим эплаяман, менсиз кунингиз ўтмай қолди-я, деб писанда қиляпти. Дадаси жуда эзилиб қолдилар. Ахир олти нафар болани жой-жойига қўйишнинг ўзи бўлмади, катта бўлганда ҳаммаси эсидан чиқиб кетар экан-да, — деди биринчи аёл.

— Эй, нимасини айтасиз, — деди суҳбатдоши. — Бизникида ҳам шу аҳвол. Ака-уканинг омади бирдай кулсин экан. Катта ўғлим хайдовчи, топишнинг мазаси йўқ, кичиги эса уддабурон, қўшма корхонада ишляпти. Даромади ҳам ёмонмас. Кеча «Рўзгорни мен қиляпман, қачонгача сизларни боқаман, ёки сиз ҳаракат қилиб чиқиб кетинг ёки мен», деб акасининг дилини хуфтон қилибди. Катта ўғлимнинг мунгайиб қолганини кўриб юрагим ачиб кетди. «Ўғлим ҳеч хавотир олма, қонун бор, қонда бор, отангдан оиланга шу уй-жой ме-

рос қолган, ҳеч ким сени ҳайдаб чиқаролмайди» дедим. Ахир тўрт нафар ёш боласи билан қандай қилиб чиқиб кетади. Она-изорнинг кўзларида ёш қалқди.

Беихтиёр уч-тўрт сўм пули кўпайиб, туғилган жигарларнинг дилини сиёҳ қиляётган бу йигитлар пайғамбаримизнинг «Барчангиз мол-мулкнинг билан отангизникидирсиз» деган ҳадисларидан беҳабар эканлар-да деган хаёлга бордим.

Бир кўшимизникида ёнгин чиқди. Бойвачча кўшимиздан бири унга ёрдам бериб уйини таъмирлаб, баҳоли-қудрат яшаса бўладиган ҳолга келтириб берди. Шу кундан бошлаб кўни-кўшиларга, шуларга бир яхшилик қилай дедим, ўзи ҳам озмунча сарф қилмадим, дея оғиз кўпиртириб юрди. Уйи ёнган кўшимнинг эса кўзларида мунг пайдо бўлди, тўртта одамнинг олдида бемалол ўтиролмади, эгилиб қолди. Унинг юриш-турушини кўриб ҳол-аҳволини, соғлиғини суриштирдим.

— «Кимга айтди дардимини, — дейди у, — менга ёрдам берган одамнинг орқасида

сарсон бўлиб юрибман, оилам билан унинг хизматини қиляпман, дўқ-пўписига ўтиб олган, яқинда бир иши очилиб қолган экан, олмаган нарсаним олдим дея гувоҳлик беришга чақирдиши. Бошим қотди, — дея зорланди у. Мен ҳар бир одамни ҳумоа қила оладиган қонунларимиз борлигини, ҳақ-хуқуқини поймол қилиб, зўравонлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини, ҳақиқатни айтишдан чўчимаслиқни маслаҳат бердим.

Лекин беихтиёр тажонимда «Оллоҳ раҳматига олган бўлсин» эшитганим, бир ибратли ривоят ёдимга тушди. Айтишлари-ча, қадимда бир шаҳарда жуда камбағал бир киши яшар экан. Иттифоқ бир кун шу одамнинг уйида ёнгин чиқибди ва бир этак болалари билан энди рўзгорини ҳам тебралолмай қолди.

Бошини қаерга уришни билмаган кунларнинг бирида у эрталаб ҳовлисида пул тўла ҳамён топиб олибди. Маълум бўлишича, шу кун шаҳардаги яна бир неча фақир кишилар ҳам худди шундай ҳолга дуч келишган.

Шаҳарда бу овоза бўлган, лекин ҳамён меники эди дейдиган киши топилмаган. Ҳамма бу сирнинг тагига етишга ҳаракат қилган, лекин ҳеч ким ҳеч нарсани аниқлаб олмаган. Шундай кунларнинг бирида тонг саҳарда ёлғиз яшайдиган бир ғариб чолу кампиннинг уйи деворларини кимдир суваб кетганидан хабар топишган. Яна бирорта одам у ҳимматли инсоннинг кимлигидан воқиф бўлолмаган. Нихоят кузатувчилар қўйиб аниқлашмоқчи бўлганда, кимдир бир мискиннинг нураб тушаётган деворларини суваётганига кўзлари тушган. У Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари экан.

Шундай, азиз замондошим, ўнг қўли қилган яхшиликни чап қўли билмаган улуғ аждодларнинг зурриётларимиз. Кўмакка, меҳрга муҳтож инсонларга беминнат, беғараз, ҳолисона ёрдам қилини чўзайлик. Яхшилик — умр зийнати, бебаҳо ҳазина, икки дунё саодатига элтувчи муқаддас кўприк эканини асло унутмайлик.

Шаҳризода МУҲСИМОВА



СУРАТДА: навбатдаги иш режалари муҳокама қилинмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг моҳиятини тушуниб-тушунмай ёки бида туриб ўз нафсларини қонунлардан устун қўйган айрим ҳамшаҳарларимиз иқтисодий ва жинойи қонунбузарликларга қўл урмоқдалар. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майда «Жисмоний шахслар томонидан

лум бўлди. Олиб борилган суриштирув давомида бу спиртли маҳсулотлар фуқаролар Зокир А., Лола Й., Манзура И. ҳамда Гулмира Р.лар томонидан айрим ҳамшаҳарларимиз иқтисодий ва жинойи қонунбузарликларга қўл урмоқдалар. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майда «Жисмоний шахслар томонидан

ла фуқаро П.Федоровга тегишли бўлган 138 шиша «Россия», 78 шиша «Пешеничная», 38 шиша «Московская», 16 шиша «Данилов», 25 шиша «Винком» виноси ва 77 дону 2 литр ҳажмли «Пепси» салқин ичимлигини юқоридаги савдо мажмуасининг қуриб битказилмаган биносидан сақлаб сохтаётганлиги ва 406100 сўм савдодан тушган нақд пуллари борлиги аниқланди. Энди ушбу контрабанда маҳсулотлари қачон ва ким томонидан олиб келинганлигини тергов аниқлайди. Биз шу ўринда қонунга зид хатти-ҳаракатларни содир этаётган, ўзлари билиб-билмай инсонлар соғлиғи учун зарар келтираётган, мўмай даромад йўлида виждон ва иймонларини унутиб яроқсиз озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини пуллаб бойлик орттиришга ружу қўйган сохта «тадбиркор»ларга қонунда белгиланган тартибга амал қилган ҳолда иш юритишганда ҳузу-ҳаловатлари, мол-мулкларидан айрилмаган бўлар эдилар, дейишни лозим топдик.

НОҚОНУНИЙ МАҲСУЛОТЛАРГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Республикамиз пойтахти қўшни давлатлар билан чегарадош бўлмаса-да хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва товарларнинг ноқонуний кириб келиши ҳолатлари Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва унинг туман бўлимлари ходимлари томонидан тез-тез аниқланмоқда.

фуқаро П.Федоров «Қалотларни ноқонуний равишда божхона тўловларини тўламадан, гайриқонуний йўллар билан олиб киришга уриниш ҳолатлари ҳали ҳам аниқланмоқда. Чунончи, олиб борилган тезкор тадбир давомида Чилонзор тумани, Халқлар Дустилиги кўчаси, «Эркин» ДАН масканида ҳаракатланаётган «Икарус-256» русумли давлат рақами 20 К6496 йўловчи ташиш автобуси тўхтатилиб, автобус юкхонаси кўздан кецирилганда юкхонада 300 дан ортик елим идишларда 463,5 литр, умумий қиймати 648900 сўмлик спиртли маҳсулотлар тегишли ҳужжатларсиз ва сифат сертификатсиз олиб кетилаётганлиги маъ-

ган, ўзлари билиб-билмай инсонлар соғлиғи учун зарар келтираётган, мўмай даромад йўлида виждон ва иймонларини унутиб яроқсиз озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини пуллаб бойлик орттиришга ружу қўйган сохта «тадбиркор»ларга қонунда белгиланган тартибга амал қилган ҳолда иш юритишганда ҳузу-ҳаловатлари, мол-мулкларидан айрилмаган бўлар эдилар, дейишни лозим топдик. Баҳоидир ШУКУРОВ, Чилонзор туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан демократик-ҳуқуқий давлат қуриши йўлидан борди ва ўз давлатчилигини режалаштиришда ҳокимиятнинг бўлиниш принципига амал қила бошлади. Бу борада дунёнинг илгор ривожланган демократик давлатлари тажрибасини, демократик-ҳуқуқий давлатчилик тўғрисидаги институтларни ўрганган ҳолда халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган турмуш тарзи, маънавияти, маданияти, менталитети асосида давлатчилик тизимини шакллантиришга киришди. Республикамиз Президенти Ислам Каримов давлатнинг янгиланиши тамойилларини белгилаш борасида шундай деган эди: «...Сийёсий соҳадаги муҳим вазифалардан бири — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этишдир».

Замонавий ҳуқуқий-демократик талабларга жавоб берадиган давлат ҳокимиятининг ташкил қилиниши тамойили 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда белгилаб қўйилиши бу борадаги энг муҳим илк қадамлардан бири бўлди.

Конституциянинг 11-моддасида, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланган, деб белгилаб қўйилган. Бу билан асрлар давомида ривожланган мамлакатларда сигналган ва демократик принципларга амал қилинишининг кафолати бўлган ҳокимиятлар бўлиниши тамойили давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг асоси қилиб белгилаб олинди.

Ҳокимиятлар бўлиниши тамойили ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз, энг аввало ушбу тамойилнинг келиб чиқиши, унинг яратувчилари, ушбу таълимот шаклланишининг сиёсий-ҳуқуқий омиллари ҳақида тўхталиб ўтиш ушбу назариянинг моҳиятини янада чуқурроқ англашга, замонавий юридик фанда ва давлатчилик амалиётида самарали фойдаланишга имкон яратди.

Ҳокимиятнинг бўлиниши — давлатда ҳуқуқнинг ривожланганлик даражасини кўрсатади. Ушбу тамойилнинг аҳамияти шундаки, ҳокимият тармоқларининг бир-бири томонидан суистеъмол қилиниши, тазйиқ этилишига йўл қўйилмайдиган давлат идораларининг самарали фаолият кўрсатишига шарт-

шароитлар яратилади. Ҳокимиятнинг бўлиниш принципига кўра, Ўзбекистонда ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига ажралган.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг олиё давлат вакилилик органи бўлиши Олий Мажлис амалга оширади. Ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси, бу—суд ҳокимиятининг мустақиллигидир. Давлатнинг Асосий Қонуни суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоа бирлашмаларидан мустақил иш юритишини эълон қилади.

Умуман, бир-биридан мустақил фаолият юритадиган бундай тамойиллар ҳақида Урта осийлик мутафаккирлар А.Форобий, Амир Темур, А.Навоийларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида, айниқса Монтескье таълимотида ўринли фикрлар билдирилган. Бундай сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни ўрганиш фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади. Зеро, республикамизда икки палатали парламент жорий этилмоқда. Жамият аъзоларимизнинг сиёсий фаоллиги янги сайловларда намён бўлади.

Маҳбуба ҲАМИДОВА, Тошкент Давлат юридик институти «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедрасининг катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди.

Қилмиш — қидирмиш

ЧУЧВАРАНИ ХОМ САНАДИ

Инсон ўз умрини мазмунли ва маъмурилик билан ўтказиши учун энг аввало ўзини ўраб турган борлиқни била олиши, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши даркор.

Ҳеч қаярда яшамайдиган, ишламайдиган, дайди У.Анвар Ҳамза туманида истиқомат қилувчи эски таниши Р.Луизанинг уйда йўқлигидан фойдаланиб, қалит таллаш йўли билан унинг хонадонига кирди. Шунда дундан нон олиб келаётган кўшни аёл нотаниш кимсаннинг ўғринча Р.Луизанинг уйига кириб кетаётганини кўрди ва дарҳол милиция ходимларига қўнғироқ қилди.

Нарсаларни йиғиштириб, У.Анвар пинагини бузамайгина уйдан чиқди, аммо узоқча бора олмади. Чунки у милиция ходимлари томонидан далиллий ашёлар билан қўлга олинди. Қадимда машойхларимиз: «Ақли эр — эл боласи, ақлсиз эр — эл боласи», деб беҳиз айтишмаган экан. Агар У.Анвар охирини ўйлаб, бундай қилмишни содир этмаганда эди, ҳозир темир панжара орқасида ўтирмаган бўларди.

СОДДАЛИГИ ПАНД БЕРДИ

Сўнгги пайтларда Чилонзор туманида яшовчи Ф.Бобур тадбиркорлик фаолияти билан шуғуллан-

ниб, анча ишлари юришиб кетди. Дўстларидан шакарнинг «Бозори» чақон бўлаётганини эшитиб қолган Ф.Бобур шакар билан шуғулланиш ниятида «Карвон» бозорига йўл олди.

Бозор жуда гавжум, оёқ босгани жой топиламас эди. Шунда Ф.Бобур бир истаралиқкина аёлнинг шакар сотаётганини кўриб, унинг ёнига борди. Аёл ҳам ялт этиб йигитга қаради. Шунда йигит шакар сотиб олмоқчи эканлигини айтди. Аёл Ф.Бобурнинг жуда кўп миқдорда шакар олшини эшитиб, шунча шакар ҳозирча йўқлигини, агар пулини бериб кутиб турса албатта олиб келиб беришини айтди. Аёлнинг гапларига лаққа тушган йигит 5.700.000 сўм пулини унга қандай қилиб топшириб қўйганини билмай қолди. Аёл эса «ҳозир келаман», деганча бадар кетди. Ф.Бобур «чув» тушганини кутавериб, кутавериб оёқлари чарчаганда англаб етди.

Чилонзор даҳасидаги хонадонлардан бирида яшовчи С.Гули милиция ходимлари томонидан далиллий ашёлар билан ушланди. Бобокалонларимиз «Ёлгонга ё ялқов ишонар, ё анқов», дейишган экан. Бу билан айтмоқчимизки, беғона одамларга алданманг, бўлмаса оғзингизни очиб қолаверасиз.

Феруза УМРЗОҚОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот марказининг жамоатчи мухбири

Инсон ва қонун

Маҳаллаларда БИРДАМЛИК, ТОГУВЛИК — ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ

Бугунги кунда шаҳримиздаги барча маҳаллаларда халқ осойишталигини сақлаш йўлида милиция таянч пунктлари фаолияти йўлга қўйилган. Улар маҳалла оқсоқоллари, педагог-тарбиячи, посбон ва сардорлар билан ҳамкорликда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида иш олиб бормоқдалар.

Шайхонтоҳур туманидаги «Оқлон» маҳалласи қошидаги 355-милиция таянч пунктида ҳам ўз ишининг фидойи ва жонқуяри бўлган, маҳалла тинчлиги ва осойишталигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган профилактика нозирлари хизмат қиладилар. Биз улар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида ушбу милиция таянч пунктида бўлдик.

— Бизнинг асосий вазифамиз юртимиздаги тинчлик, маҳаллалардаги осойишталикни сақлаш, — дейди биз билан суҳбатда милиция катта лейтенанти, профилактика инспектори Дилшод Номозов. — Ушбу ҳудудда 6 йилдан бери фаолият юритаман. Утган вақт давомида имкон борича турли жиноятларнинг олди олинди, ажралиш арафасида турган, болаларига қизқамиз ва улар ўрта-сида ҳамша ташунтириш ишларини олиб бораемиз.

— Худудимизда 141-мактаб ва 98-мактаб-интернат жойлашган, — дея суҳбатимизга келиб қўшилди милиция капитани, профилактика инспектори Исмоил Сатторов. — Ешлар билан, айниқса вояга етмаган ўсмирлар билан мунтазам равишда ойда бир марта туман ички ишлар бошқармаси, прокуратура ҳовияга етмаган фарзандини ҳеч йўлга солалмаётганини айтиб ёрдам сўраб мурожаат этади.

Гивевандлик, турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги йўлида мунтазам ташунтириш ишларини олиб бораемиз. Мактабга ўқишга келмай қоладиган ўқувчиларнинг уйларига бориб аввало оилавий шароитини ўрганиб, шундан кейин уларга тўғри йўл-йўриқ, маслаҳатимизни берамиз.

Биз жазони ижро этиш муассасаларидан 2003 йили эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги Фармонга асосан оиламиз бағрига қайтган инсонлар ва уларнинг тинч турмуш тарзига қилариб кетишлари учун қандай ишлар олиб борилаётгани билан ҳам қизиқдик.

— Маҳалламизда ҳаммаси бўлиб 3081 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дея сўзини давом эттирди Дилшод Номозов. — Шулардан вояга етмаганлар 942 нафарни ташкил этади. Худудимизда ҳамша тинчлик сақланishi учун ҳар бир оилага кириб боришга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, умумий авф туфайли оиласи бағрига қайтиб, ҳаётини изга солмоқчи бўлаётган, ўз қилмишларидан астойдил пушаймон бўлган шах-



Маҳалла вақтларида биз маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шавкат Шоумаров, сардор Воҳид Расулов, хотин-қизлар комитетининг раисаси Фарида Шариповалар билан ҳамкорликда бориб аввало оилавий шароитини ўрганиб, шундан кейин уларга тўғри йўл-йўриқ, маслаҳатимизни берамиз.

Хулоса қилиб шуни айтишим мумкинки, элу юртимиз тинчлиги, ҳамжихатлиги йўлида доимо хизматга тайёремиз, лекин фақат милиция ходимлигига бу ишга масъул дегани эмас, куч бириққда, ҳаммамиз, шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир инсон биргаллашиб ҳаракат қилсақ, ҳеч қандай куч унга тажовуз қила олмайди. Тинчлигимизни, осойишталигимизни, мустақиллигимизни сақлаш ўз қўлимизда, бу эса ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Эл дарди-қувончига шерик бўлиб, бу йўлда кеча-кундуз меҳнат қилаётган осойишталик посбонларининг машаққатли ва эзгу ишларида асло толмасликларини тилаб қоламиз. ШОИРА МУҲАММАДОВА СУРАТДА: 355-ТАЯНЧ ПУНКТИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ, МИЛИЦИЯ КАТТА ЛЕЙТЕНАНТИ ДИЛШОД НОМОЗОВ ВА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ, МИЛИЦИЯ КАПИТАНИ ИСМОИЛ САТТОВОР МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ БИЛАН НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР ҲУСУСИДА СУХБАТЛАШМОҚДА. ҲАКИМЖОН СОЛИХОВ ОЛГАН СУРАТ.

Шарқ дурдоналари

03-03 Урганлиб Домо бўлув...

● Адолат гоёсини рад этиб бўлмайди. У одоб-ахлоқ, ақл-идрок қонунларидан, омма ҳаётидан келиб чиқади. Адолат бошдан охир ҳаёт уфириб турган сўздир.

● Одам ўз қалбига қулоқ осиб, унинг адолатпарварлигига икор бўларкан, қанчалар боши осмонга етади.

● Холис ва сермулоҳаза одам ўз ҳукмини айтишга ҳеч вақт ошиқмайди.

● Адолат — давлатнинг бузилмас пойдеворидир.

Хикоят: Луқмони Ҳакимдан сўрабдилар: «Инсоннинг барча гўзал фазилатларини йўққа чиқарувчи нарса нима?» Луқмони Ҳаким жавоб берибди: «Бахиллик ва адолатсизлик». Яна сўрадилар: «Инсоннинг барча айбларини, камчиликларини пинҳон этувчи нарса нима?» У жавоб берди: «Саховат ва адолатпешалиқдир».

Байт:

Ҳар бир азоб-укубатга
розиман, тайёр,
Лек адолатсизликдан
дил озор топмасин
зинҳор.

● Одамларга яхшилик қил, ранжитма, дилини оғритма, оғир дамларда ёрдамингни аяма.

● Бировга яхшилик қилган киши ўзига яхшилик қилган бўлади.

● Беғам бўлманг, гафлатда қолманг, ҳали навқирон, кучли экансиз, яхшилик қилишдан толманг.

Қисса. Оғир кунларда ўзгаларга ёрдам қилмоқ ҳамisha яхшилик меvasини беради. Кунни келиб қилган яхшилиги эвазига бошқалардан яхшилик кўради. Бу борада эшак ва йўрга от ҳақидаги ҳикоят ўринлидир.

Эшак билан от йўлда бирга кетар эдилар Ногоҳ эшак отга нидо қилиб деди: «Эй биродар, юкимдан озгинасини олмасанг, мен чарчокдан йиқилиб ўлишим мумкин. Бироз юришгач, оғир юкка тоб беролмаган эшак йиқилиб тушиди ва жон берди. Эшакнинг эгаси дарҳол пичоқ билан унинг терисини шилиб олди ва юк билан бирга отнинг устига ташлади. От ўзинча ўйланб деди: «Калтабинлигим ва бадфеллигим туйфайли мискин биродаримга ёрдам қўлини чўзмадим, оқибат унинг юки менинг устимга тушди».

Байт:

Нафинг агар халққа
бешак эрур,
Балки бу наф ўзингга
кўпроқ эрур.

● Ўз қадр-қимматини асраб-авайлайдиган, иззати-иромни ўрнига қўядиган ва нафсонияти учун қуонадиган одамни каландимог деб, бўлмайди. Агар кимда-ким ўзига кибру ҳаво билан бино қўйса, мулк-давлати ортиб, босар-тусарини билмай қолса, ўз қадр-қимматини «Мен!» тарзида улугламоқчи бўлса, бундай кимса охир-оқибатда, расвою жаҳон бўлиб, қадр-қимматини йўқотади.

“МЕҲРИБОНЛИК” ЛОЙИҲАСИ

Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Меҳрибонлик” лойиҳаси дастурининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Мазкур лойиҳа меҳрибонлик уйларида яшаётган болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда бундай норасидаларнинг турар жой, етуклик маълумоти олиш, ижтимоий ҳимоя ва меросга бўлган ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бунинг асосий сабабларидан бири — болалар уйлари тарбияланувчиларида ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари бўйича билим ва тасаввурнинг етишмаслигидир. Шунинг учун конституцион, фуқаро-

лик, меҳнат, оилавий, жиний ҳуқуқлар, инсон, бола ҳуқуқлари мавзуларида таълимий семинарлар ва тренинглр ўтказиш, тарбияланувчиларда етакчилик санъатини шакллантириш, бир мақсад сари интилишига ишонч уйғотиш, уларни жамият ҳаётига қизиқтириш, бунинг учун учрашувлар, суҳбатлар, саёҳатлар, мусобақалар ушатириш ушбу лойиҳанинг вазифаларидан ҳисобланади. Болалар ҳуқуқий билимларни пухта эгалласалар, меҳрибонлик уйлари тарқат-

гач, тез вақтда ўзгаларнинг кўмагисиз яшаш ва ишлашга ўрганадилар. Лойиҳанинг яна бир мақсади бундай масканларда истиқомат қилаётган болаларнинг эркинлиги ва ҳуқуқлари борасида мониторинглр ўтказиш, етим болалар билан бевосита ишлайдиган давлат идораларига болаларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар иборат маълумотлар юборишдир.

— Лойиҳа асосан учта қисмдан иборат, — деди лойиҳа директори Роман Донаев. — Булар — ижти-

мой таълим асослари, ҳуқуқий маълумот ва болаларда самарали мулоқот кўникмаларини ўстириш. Расмлар кўргазмаси орқали уларнинг дунёқараши-ни шакллантириш ва Олий Мажлис қошидаги Омбудсман институти ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ҳуқуқий клиникаси ёрдамида мониторинглр ўтказишдан иборатдир.

Маросимда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Рустам Қосимов, Республика Бош прокуратураси ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси вакиллари сўзга чиқди.

Мақсуд АКРАМОВ,
«Туркистон-пресс»

Ҳаёти одамларга фақат яхшилик қилишга бағишланган, ҳозир ҳам давраларда у киши ҳақида гап кетганда Тоир Дадашевга нисбатан «Фаришта инсон эдилар», деган дил сўзлари изҳор этиладиган табаррук муаллим устознинг ёрқин сиймолари кўз олдимдан ўтар экан улуг бобомиз, газал мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратларининг:

Бу гулшан ичра йўқдир бақо
гулига сабот,
Ажаб саодат эрур
қолса яхшилик
била от.

деган таърифлари худди Тоир Дадашев сингари инсонларга айтилгандек туюлаверади. Келинг, энди ушбу сўзларимнинг исботи тариқасида Тоир Дадашев билан ўзим гувоҳи бўлган воқеаларни сиз, азиз оқшомхонларга хикоя қилиб берай.

...Ўтган аср 60-йилларининг охири, «Тошкент оқшоми» тахририятида иш бошлаганимнинг дастлабки йиллари эди. Ойлада туғилган бош фарзандимиз — Шухратжонни болалар боғчасига жойлаштиришдек катта муаммо кўндаланг бўлди-ю, югур-югурлар бошланди. Уша пайтларда болани боғчага бериш учун олинадиган йўлланмани йиллаб қутишга тўғри келарди. Хуллас, Собир Рахимов тумани халқ маорифи бўлими (ҳозирги халқ таълими бўлими)дан йўлланма олиш хусусидаги илтимосимизга ўринсиз рад жавоби олганимизни эшитган ҳамкасб дўстимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, раҳматли Тўлқин Расулев яхши бир таклифни айтиб қолдилар. Яъни «Солиҳжон, жуда тортинчоқ инсонсиз-да, кунда бўлмасида кунора шаҳар ижроия кўмитаси мажлисларида қатнашасиз. Тоиржон акани яхши танийсиз. У аjoyиб, камтар ва хокисор инсон. Илтимосингизни шу кишига айтинг», деб маслаҳат бердилар.

Уша пайтларда Тоир Дадашев Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудир вазифасида фидойилик билан ишлар эдилар. Дарҳақиқат, камина бу аjoyиб инсонни мажлисларда кўп қўриб турар, бақамти келиб қолинган ҳолларда самимийлик билан саломалик қилар эдим. Тўлқин аканинг таклифи билан Тоир аканинг қабулларига бордим. Котиба бироз қутишмани айтиди. Сўнг эшик очилиб қабулхонада самимий табассум билан Тоир ака истиқболимга пешвоз чиқиб каминани хоналарига бошладилар. Бор гапни диққат, эътибор ила эшитишлари билан мийғларига қулиб «Оббо Солиҳжон-ей, тўғри ўзимга келиб боғчага йўлланма хусусида учрашмайсизми?» дедиларда, котиба орқали бир аёлнинг хузулларига киришимни айтдилар. Зум

ўтмай ҳалиги аёл мудир хузурига кириб келиши билан унга қараб «Журналистларни ҳеч хафа қилмаслигимиз керак. Уларнинг ҳар кунни бизларга иши тушмайди. Илтимос, сиз Солиҳжон биродаримизга фарзандининг боғчага бориши учун йўлланма хусусида туман халқ маорифи бўлими билан боғланиб, уларнинг рад жавоби мутлақо ўринсиз эканлигини таъкидлаб, масаланинг ижобий ва тез ҳал этили-

Тоир акага келиб тўхтаганида машваратга келганларнинг ҳаммаси Тоир Дадашев ҳақида, унинг чин инсоний фазилатлари тўғрисида, халқ ноиб сифатида эл-юрт ишига фидойилиги хусусида мароқ билан гапирганларнинг кўп бора жонли гувоҳи бўлганман.

Дарҳақиқат, Тоир Дадашев инсонми-сан инсон эдилар. Ҳаёт бўлганларида шу баҳор кезларида кутлуг саксон ёшга тўлар эдилар. Бу улуг ва табаррук сиймони билганлар шурунда у инсон одамларга фақат эзгулик тиловчи улкан қалб соҳиб сифатида қолади. Бинобарин бугунги кунда пойтахтимиздаги кўча ва мактаб у кишининг номларига қўйилган. Тоир аканинг зиё тарқатишдек олижаноб ишларини унинг бири-биридан одобли фарзандлари — ўғил-қизлари, неваралари, садоқатли шоғирдлари давом эттираётганлигида ҳам катта рамзий маъно мумассам! Чунки Тоир Дадашев бутун умрини зиёга, таълим-тарбияга бағишлаган фидойи инсон эдилар. Улар ҳам юртимизнинг Мустақил бўлган кезларини кўришни орзу қилган

Ҳотира қўйонса қўзандир

МАЪРИФАТ ЙЎЛИДА КЕЧДИ ҲАР ОНИ...

Истеъдодли шоир ва публицист Шукур Дадашнинг яқинда нашрдан чиққан «Умр лаҳзалари» деб аталувчи тўнғич насрий тўпламини мароқ билан ўқиб чиқар эканман муаллифнинг ўз падари бузрукворни — бутун умрини илм-маърифат гулшанини асраш, уни гуллаб-яшнатишга бахшида этган Тоир Дадашев хотирасига бағишланган «Армон ва таскин» сарлавҳали бадисси ушбу сатрларнинг муаллифи бўлмиш каминанинг халқларини узоқ-узоқларга олиб кетди. Чунки мен ҳам бу аjoyиб инсоннинг пуриқимат сўзларини эшитишга муяссар бўлганларданман...



шини таъминланг» дедилар. Мен Тоир акага ташаккур билдириб хоналаридан чиқдим. Ўғлимиз Шухратжоннинг боғчага боришга бериладиган йўлланмаси ҳам ҳал бўлди ва табиийки, шаҳар ижроия кўмитасининг навбатдаги мажлисига борганимда Тоир аканинг кўзлари каминига тушиши биланоқ, бир-биримиз билан саломлашар эканми йўлланма масаласини менадан яна сўрадилар. Мен Тоир акага масала ижобий ҳал бўлганини айтиб, яна бир бор ташаккур изҳор этдим...

Қаранг, юқоридagi воқеага ҳам 35 йил бўлибди. 35 йилдирки, мана шу воқеани — Тоир аканинг бағрикенг, меҳрибон инсонлиги, минглаб одамларга кўрсатган яхшиликларини доимо миннатдорчилик билан эслаймман. Биргина мен эмас, балки Тоир Дадашеви билган, у кишининг тарбияларини олганлар, бирга ишлашган сонсаноксиз одамларнинг камтарин, пок ва ҳалол, меҳр ва муруватли, қўлидан келган яхшилигини одамлардан асло аямайдиган, кучли ирода, қобилият ва юксак салоҳиятга эга бўлган бу инсон ҳақида оғизларидан бол томиб, тўлиб-тошиб гапиришади.

Таъкидлаб ўтганимиздек, камина Тоир аканинг бош фарзандлари — падари бузрукворлари каби камтар инсон, таниқли шоир Шукур Дадаш билан ўттиз йиллик дўст ва кадрдон бўлганлигим боис Шухуржон уйларида бўладиган турли маросимларда ва бошқа йиғилишларда гап айланиб

эдилар. Уларнинг бу орзу-армонлари ушалганини фарзандлари, дўстлари, шоғирдлари кўришдек бахтга муяссар бўлишди. Ва табиийки, қаерда таълим, тарбия ҳақида, инсонга зиё таратиш ҳақида сўз боргудек бўлса, улар ҳақиқатпарвар, жонкуяр инсон Тоир Дадашевининг эл-юртга ҳалол, сидқидилдан қилган катта хизматларини юксак эҳтиром, фахр ва ифтихор билан эслашади, унинг аjoyиб инсоний фазилатлари кўпчилик учун чинакам ибрат намунаси эканлигини таъкидлашади. Бинобарин, одамлар қалбида тириклик чоғида қилган эзгу ишлари, хайрли ва яхши амаллари билан бир умрга муҳр-лаиб қолиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бугун биз табаррук номларни юксак ҳурмат ва эҳтиром, фахр билан тилга олган Тоир Дадашев ибратли фазилатлари билан улар қалбида бир умрга муҳр-лаиб қолган аjoyиб инсон эдилар. Буни устознинг қалб шиори, умр садоси бўлмиш қуйидаги сатрлари ҳам исботлаб турибди:

Халқ учун бахш эддим бир умр
жоним,
Маърифат йўлида кечди ҳар оним.
Яхшилик шиорин жойладим дилга,
Ҳаётда қолсин деб, камтарин
номим.
Нақадар топиб айтилган шиорона
таъриф!

Солиҳ ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон
Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

Муҳаббат олам

«ТИТАНИК»НИНГ
СЎНГИ
САЁХАТЧИСИ

Италиянинг жанубида жойлашган Изерия шаҳарчасида «Титаник»нинг сўнги саёхатчиси — Антонио Мартенелли 90 ёшида ҳаёт билан видолашди.

У 1912 йили 10 ёшда эди. Онаси иккови туғилган эри Американинг Бостон шаҳридан Европадаги қариндошлариникига келишгаётиб, машҳур «Титаник»нинг саёхатчисига айланишди. Антонио онасининг ақчаси кеманинг учинчи классидagi каютасига чипта олишга аранг етади.

Ҳа, Ди Каприо қахрамони ҳам худди шундай классидаги каютада сафарга отлангани Голливуд кинофильмидан бизга маълум.

Ҳақиқатан ҳам Антонио ва онасини Олдохнинг каромати сақлаб қолади. Саёхатчиларнинг орасида алашган келган Антонио но таниш кишилар қайиққа жойлаштириб, ўзлари билан бирга офатдан сақлаб қолишди. Улар ўлим билан олишиб ётган унинг онасини ҳам сувдан чиқариб олишди. Кутқарувчилар бироз кечикканларида эди ёш аёл бошқалар сингари мангуликка кўз юмар эди. Омон қолган саёхатчилар Лондонга етказилди. Она ўз фарзанди билан офатдан уч-тўрт кундан кейин Лондонда учрашди.

Бир неча йил ўтгач Антонионинг онаси эри билан ажрашгач, боласи иккови Италияга кўчиб кетишди. Шундай қилиб, Антонио Мартенеллининг исми «Титаник» офатининг сўнги гувоҳи сифатида тарих саҳифасига ёзилиб қолди.

МУҲАББАТ ЁШ
ТАНЛАМАЙДИ

Газетхонларнинг ёшларида катта тафозит бор эрхотин ажаблантириши аниқ. Бироқ ҳамма нарсанинг меъёри бўлиши керак. 83 ёшли Хозе Ферейра билан 15 ёшли Иолантанинг қонуний никоҳдан ўтганлари ҳаммани хангу манг қилган. Бу никоҳ бразилияликлар учун мамлакатдаги асосий воқеалардан бири бўлиб қолди.

Хозе отанинг 40 дан ошқ неварга, чевара, эварлари бор. Унинг ёш рафиқаси ўз эрини жон тани билан севиб, унинг ўта камтаринлиги, кўп нараса билиши, ақллиги, бой тажрибага эга эканлигидан мамнун. Ферейра ўта бой Иолантанинг ҳам бойлиги эридан қолишмас экан. Унга бойлик ота-онасидан мерос қолган. Бундай ажабланидиган жуфтларнинг ҳақиқатан ҳам мазмуни, қизиқ ва бахтли яшаётганларини кўриб, улар ҳисоб-китоб билан никоҳдан ўтишган деб ўйласангиз янглишасиз. Эҳтимол муҳаббат ёш танламайди.

Қадирбой ТЎЛАБОВ
тайёрлади

ЭЛАЙ ЛИЛЛИ
ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА

Eli Lilly халқаро фармацевтика корпорациясининг сиалис(тадалафил) препарати Ўзбекистон бозорига чиқади. Тошкентдаги «Редиссон» меҳмонхонасида ўтказилган анжуманда бу ҳақда маълум қилинди.

Сиалис препарати эректел фаолияти бузилиши билан боғлиқ хасталикларни даволашда виагра ва левитра дори воситаларидан ҳам кучлироқ таъсирга эга. Ушбу дори воситасини Eli Lilly компанияси ҳамда ICOS корпорацияси ҳамкорликда ишлаб чиққан. Дорининг ноёб хусусиятларидан бири шуки, у ўз таъсирини 36 соат давомида сақлай олади.

ICOS корпорацияси директори Пол Кларкнинг таъкидлашича, бугунги кунда сиалис дори воситаси жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакатда ўз мижозларини топган. Бир миллиондан ортиқ эркаклар унинг афзаллигига амин бўлишди.

Сиалиснинг хавфсизлиги ва самарадорлиги саккиз минг нафардан зиёд мижозлар иштирок этган тўқсонта клиник синовда тасдиқланди. Дори жинсий аъзолар фаолияти бузилган мижозлардан ташқари қандли диабет, юрак-қон томир, шунингдек простат безлари хасталикларини даволашда ҳам кўл келади.

Ушбу дори воситаси Россия ва Қозоғистон бозорига 2003 йилда кириб келди. Бугунги кунда у МДХ мамлакатларида кенг тарқалмоқда.

Eli Lilly компанияси 1876 йилда АҚШнинг Индианаполис шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган эди. Кимёгар-фармацевт, АҚШ фуқаролар урушининг қаҳрамони Элай Лилли дори воситалари тайёрловчи ушбу компанияга асос солиб, унга ўз номи берганди. Бугунги кунда компанияда ўттиз бир минг нафар ходим ишламоқда.

Компания шу кунга қадар тиббиётнинг эндокринология, онкология, психиатрия ва юқумли касалликларни даволаш соҳаларида тадқиқотлар олиб боради. Инсулиннинг ишлаб чиқилиши туфайли компания 1923 йилда тиббиёт соҳасида Нобел мукофотида сазовор бўлган.

Яқинда Тошкентда ахборот-коммуникация технологияси соҳасида интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтади. Унда Ҳиндистон, Хитой, Малайзия, Мўғилистон, Таиланд ва МДХ мамлакатларидан мутахассислар қатнашиши кутилмоқда.

“ХАЙ-ТЕК” ИНВЕСТИЦИЯ
ЖАЛЬ ЭТМОҚДА

Семинарни Ўзбекистон Давлат патент идораси, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ), БМТнинг Осиё ва Тинч океани худуди бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) уюштирмоқда.

Республика патент идорасидан хабар қилинишича, инвестиция тарикасида асосан энг илғор, жумладан, ахборот технологиялари кириб келмоқда. Ана шу технологияларни рухсатсиз нусха кўчириш ва фойдаланишдан муҳофаза қилиш, шунингдек, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш инвестиция жалб қиладиган ҳар қандай давлат учун муҳим омиллардан саналади.

Семинар қатнашчилари инвестицион

муҳитни ташкил этиш ва муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш учун самарали ҳуқуқий базани вужудга келтириш борасида тажриба алмашишади, бу иккала омилнинг бир-бирига дахлдорлигини муҳофаза қилишади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда компьютер дастурлари ва маълумотлар базалари ташкилотчилари ҳуқуқлари “Муаллифлик тўғрисида”ги ҳамда “ЭХМ дастурлари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар билан ҳимояланган. Айни пайтда компьютер жиноятчилигига оид қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Н. ДЕВЛИСУОВА,
“Туркистон-пресс”

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

2004-2005 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида, 2004 йил 6-апрелдан 21-апрелгача Тошкент шаҳрида иссиқликдан фойдаланувчи истеъмолчиларни иссиқ сув бўйича чекламаган ҳолда иссиқлик тармоқларининг механик мустаҳкамликка ва зичликка (юқори босимга) синовлари ўтказилади:

6 апрел куни

8-ИМ — Сергели 1-8А, Спутник 8, 15, 16, 17, Дўстлик -1, 2 турар жой мавзелари худудиди;

7 апрел куни

2-ИМ — Ҳумоюн, Қорасув-1, 2, 3, 4, 6, Бўз-2 (Черданцев-2), Феруза турар жой мавзелари, Геофизиклар кўрғони, Қодиров, Т.Малик, А.Матқобулов, Ш.Бурхонов, акад.Х.Абдуллаев, Иркутск кўчалари худудиди;

4-ИМ — Ц-12, 13, 15, Ц-17, 18 (Себзор), Қорақамиш-1/1, 1/2, 1/3, 1/4, Тахтагул турар жой мавзелари, А.Қодирӣ, Хуршид, Шамсуддинов, А.Хидоятлов, Ҳасанов, Ф.Фулмон, Бобоҷонов, А.Темур, Ҳ.Асомов кўчаларида;

8 апрел куни

6-ИМ — Қўйлик -1-7 турар жой мавзелари, Қўйлик - айланма Халқа йўли, Мунис, Янгизамон, Х.Олимбеков, Бехтерев, А.Фитрат кўчаларида; «Сувчи» қозонхонаси — «Сувчи» турар жой мавзеси, Ҳ.Бойқаро кўчаларида;

9-апрел куни

4-ИМ — Юнусобод турар жой мавзесининг 1-19 даҳалари, Бодомзор турар жой мавзеси, А.Темур, Қаймаков, А.Дониш, Муродов, Юнусобод, Соҳибқор, А.Зоҳидов, Ж.Обидова, Ҳ.Асомов, Шахристон кўчаларида;

12 апрел куни

7-ИМ — «Авиакўрувчилар» шаҳарчаси, Гўзал-1, 2, 3, 4, УҚК-1, Слоним-1, 2 турар жой мавзелари, Слоним, Лисунов, Бирлашган, Элбек, Шолохов кўчаларида;

10-ИМ — Шифокорлар шаҳарчаси, Олимпия, Жарарик, Талабалар шаҳарчаси, Тансиқбобов-1, 2, 3, Қорақамиш-2/2, 2/3, 2/4, 2/5, УзМУ-ТошДТУ, Чимбой, Белтепа, Ибн Сино-1, 2 турар жой мавзелари, Мирзо Голиб, Мухбир, Чимбой, Фаробий, Беруний кўчаларида;

13 апрел куни

9-ИМ — Чилонзор даҳасидаги 13дан 15гача, 21дан 24гача ва 30, 31 мавзелар, Гулистон, Қизил Шарқ, Ал-Хоразмий-1, 2, Бешқайрағоч турар жой мавзелари, Х.Турсунқулов, Раҳимбобоев, Ширин (Подмосковная), Лутфий кўчаларида;

ИЭМ — Бобур, Нукус, Афросиёб, Глинка, Локомотив, Лоҳутий, А.Тўхай, Х.Умаров, Шахрисабз кўчалари, Бошлик, Қўшбеги, Авиашаҳарча, Ц-1, Ц-2, Ц-4, Ц-5, Ц-6 турар жой мавзелари, Моворуагнаҳр, А.Темур, Хуршид, Т.Шевченко кўчаларида;

14 апрел куни

ТТЗ қозонхонаси — ТТЗ-1, 2, 2а, 4, Югнакий мавзелари, Буюк Ипак йўли, Белоношко, Гулсанам, Аҳдлик кўчаларида;

15 апрел куни

1-ИМ — Буюк Ипак йўли, Сайрам, Мўминов, полк.Мухитдинов, Эргашев, Оқўрғон, Пушкин кўчалари, Тошқишлоқмаш, Пушкин-Са-

лор, ген.Петров турар жой мавзелари, акад. Ҳ.Абдуллаев, Доғистон, Раҳматуллин, Ф.Ҳўжаев, Ф.Мавлонов, Х.Олимжон кўчалари, Ҳ.Олимжон майдонида;

16 апрел куни

1-ИМ — акад. Ҳ.Абдуллаев, Ж.Обидова, Раҳматуллин, Ф.Ҳўжаев, Мўминов, Мухиддинов кўчалари, Яланғоч, БФЗ-1 (Черданцев-1) турар жой мавзелари ТошГРЭС кўрғонида;

ИЭМ — Ш.Рашидов шохқўчаси, Ц-7, Муқимий, Арнасой, Ш.Исломов, Аския, С.Мираҳмедов, Бобур, У.Носир, Чўпонота, Афросиёб кўчалари, Чилонзор даҳасининг 1, 2, 3, 4, 5, Е, И-мавзеларида;

19 апрел куни

5-ИМ — Чилонзор даҳасидаги бдан 12гача Ц.Г9А, 16дан 20гача, 20А, 26 мавзелар, Октепа, Қизил шарқ, Дўмбиробод, Гулистон турар жой мавзелари, Роҳат, С.Мираҳмедов, Нақшошк, Новза, Қозиробод, Фарҳод, Чўпонота, Муқимий, Я.Қупала, Заргарлик кўчаларида;

21 апрел куни

3-ИМ — Чорсув, Бешёғоч, Олмазор, Қоратош, Б-1, Б-2, Б-3, Ц-10, 11, 14, Ц-26, 27, 28 турар жой мавзелари, Навоий, Халқлар Дўстлиги, Абай шох кўчалари, Ўзбекистон, Беруний, Ниёзов, ген. Узоқов, А.Ҳўжаев, Фурқат, Самарқанд дарвоза кўчаларида.

Кувурларда носозлик бўлиши ва ёрилган жойларда сувлар топиши эҳтимоли мавжуд, ҳайдовчилар ва пиёдалардан эҳтиёт бўлишлари талаб этилади. Ноодатий ҳолатларни сезишнинг билан 133-32-32 телефонига кўнгироқ қилишингизни сўраймиз. Қуйдаги иссиқлик марказларида тўлиқ режали тўхтатишлар режалаштирилган:

«Шимолӣ-Шарқ» 1-ИМ - 5 апрелдан 9 апрелгача;

«Қорасув» 2-ИМ - 12 апрелдан 16 апрелгача;

«Фарбий» 3-ИМ - 5 апрелдан 9 апрелгача;

«Шимолӣ» 4-ИМ - 12 апрелдан 16 апрелгача;

«Чилонзор» 5-ИМ - 5 апрелдан 9 апрелгача;

«Жанубий-Фарбий» 6-ИМ - 12 апрелдан 16 апрелгача;

«Авиакўрувчилар» 7-ИМ - 19 апрелдан 9 апрелгача;

«Сергели» 8-ИМ - 12 апрелдан 16 апрелгача;

«Янги Чилонзор» 9-ИМ - 19 апрелдан 23 апрелгача;

«Шимолӣ фарб» 10-ИМ - 19 апрелдан 23 апрелгача;

ИЭМ - 19 апрелдан 23 апрелгача

«Водник» қозонхонаси - 12дан 16 апрелгача;

«ТТЗ» қозонхонаси - 19дан 23 апрелгача

Тўхтатиш даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишлари бўйича иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

Спорт

ХАЛҚАРО АНЖУМАН БОШЛАНДИ

Кеча шаҳримизда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда республика Миллий Олимпия Қўмитаси, Республика волейбол федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган волейбол бўйича халқаро семинар ўз ишینی бошлади.

Кейинги пайтларда мамлакатимизда волейбол сезиларли даражада ривожланиб, спортчиларимиз халқаро майдонда ҳам ўзига хос муваффақиятларга эришмоқдалар. Шу жиҳатдан олганда республика волейбол федерацияси ўз фаолиятини янада жонлантириш, болалар ўртасида спортнинг ушбу турини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Халқаро анжуман ани шундай хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилиб, жумладан мураббийларнинг ҳам малакаларини оширишга қаратилган.

Уч кун давом этадиган семинар чоғида халқаро экспертлар мураббийларимизни жаҳон волейболда янгиликлар, спортчиларни тайёрлашнинг энг сўнгги йўналишлари билан таништиришди.

ВЕЛОПОЙГАЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

1988-1989-йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида шоссе велопоёғиси бўйича Ўзбекистоннинг очик биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Унда республикамиз вилоятларидан ташриф буюрган 14 та жамоа таркибидан ўрин олган юзга яқин иштирокчи галаба учун кураш олиб борди.

Умумий масофаси 189 километрик кўп кунлик пойганинг яқза тартибдаги спортчилар ўртасидаги 15 километрик дастлабки босқинида пойтахт вилояти вакили Марат Мухамедьянов голиб чиқди. 60 километрга гуруҳ пойгасида ҳам Маратга тенг келадиганлар топилмади. 70 километрга гуруҳ пойгасида эса омад қозонгонлик меҳмон Вячеслав Куликовга кулиб боқди.

Яқуний босқинчи ташкил этган 44 километрга халқа пойгасида ниҳоят шаҳримиз спортчиси Тимур Мухамедов барча рақибларини ортда қолдирган ҳолда зафар қучишга муваффақ бўлди. Ҳамшаҳримиз тўрт босқин натижалари бўйича ҳам голиблик нашидасини сурди.

Иккинчи ўринни эса Тимур Мухамедовдан атиги икки сония ортда қолган Андрей Кучеров (Қозғистон) эгаллади.

Биринчилиكنинг барча голиб ва совриндорлари дипломлар, қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

Шайхонтоҳур туман 21-Оилавий поликлиника ходимлари ҳамшира Роҳия Ибрагимовага турмуш ўртоғи

Фахриддин Раджабович ТИРКАШЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чукор ҳамдардик ихзор этади.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗДА

Миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш касаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Наврўзи олам умумхалқ байрамини улуг айём сифатида меҳнат ва ўқув жамоаларида кенг нишонлаш хайрли анъанага айланган. Она табиатнинг уйғониш фасли — гўзал баҳор юртимизда ободонлаштириш, меҳр-мурувватли эзгу ишлар, савобли амалларга эътибор янада кучайиши билан файз-тароватли, беҳад чиройли, кўркамдир.

«Ўзметмашсаноат» касаба уюшма қўмиталари раисларининг шаҳар кенгаши тасарруфидаги корхоналарда халқимизнинг кўхна ва ҳамиша навқирон байрами нишонланмоқда. Тармоқдаги меҳнат ва ўқув жамоаларида ўтказилган умумхалқ ҳашарида ишчилар, талабалар ҳамжихатлик билан қатнашиб, ободончилик, кўчат экиб бoғ яратишдек хайрли ишларни амалга оширдилар.

Жумладан, «Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамияти, «Трактор» спорт мажмуаси, корхонанинг тиббий-санитария қисми ҳудудларида ободонлаштириш кенг миқёсда олиб бoрилиб, 600 дoна мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари экилди, ирригация шохобчалари тoзаланди, минг тул дарахтлар оқланди, теварак-атрофга чирой бағишланди. Ушбу хайрли тадбирларда уч минг нафардан зиёд меҳнат аҳли фаол қатнашди. Республика «Маҳалла» жамғармасига икки ярим миллион сўм миқдоридa маблағ ўтказилди. «Технолог» очик акциядорлик жамиятида ўтказилган Наврўзга бағишланган ободончилик ишларида 560 нафардан зиёд ишчи астойдил меҳнат қилди. Шунинг-

дек, 42 нафар киши иш жойларида фаолият кўрсатган бўлса, 523 нафар киши эса ободончилик ишларида қатнашдилар. Корхона ҳисобидан «Маҳалла» жамғармасига 150 минг сўм миқдоридa маблағ ўтказилди.

«Ўзқабель» Давлат акциядорлик жамиятида ҳам корхона ҳудуди ободонлаштирилиб, 300 туздан ортик ниҳоллар ва гуллар экилди. Корхона ҳудуди яқинидаги Ф.Хўжаев номидаги маҳалла қўмитасининг ҳисобига 150 минг сўм, Республика «Маҳалла» жамғармасига 290 минг сўмга яқин маблағ ўтказилди.

«Агрегат заводи» очик акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган хашарда ирригация шохобчалари, 12 гектарлик ҳудуд тoзаланди, 300 дoнадан ортик дарахтлар оқланди, кўркамлаштирилди.

Шу билан бирга 250 дoна кўчатлар ҳамда гуллар экилди. Ободончилик ишларида 500 нафар меҳнат аҳли иштирок этди.

«Тошкент-Лада» қўшма корхонасида амалга оширилган ободончилик ишларида 240 нафар ишчи қатнашди. «Экосан» халқаро жамғармаси ҳисобига 42 минг сўм, «Маҳалла» жамғармасига ҳам

шунча миқдорда маблағ ўтказилди. «Ўзэлектроаппарат» очик акциядорлик жамиятида ободончилик ишларида 330 нафар киши меҳнат қилди. «Маҳалла» жамғармасига 360 минг сўмдан ортик маблағ ўтказилди. Театр томошаларига чипталар ҳамда совғалар харид қилиш учун 410 минг сўм миқдоридaги маблағ сарфланди. Корхоналарда амалга оширилаётган меҳр-мурувват тадбирлари ажратилаётган маблағнинг миқдорига қараб эмас, савобли ишларни амалга оширишга интилиш, саҳоватпешалик каби қадриятларимизнинг нечоғлик эъзозланиши билан эътиборга сазовордир.

Байрам тадбирлари ўзбекoна дастурхон ҳамда куй-қўшиқлар билан янада чирой очиб, файз бағишлайди. Жумладан, «Тошкент трактор заводи» Давлат акциядорлик жамиятида март ойининг охирида корхонанинг меҳнат аҳли учун миллий таом — ош тайёрланади, ўзбек эстрадасининг юлдузлари, «Баҳор» концерт студияси, корхона маданият саройининг «Гулдаста», «Ёшлик», «Ҳаракат» бaдий жамоалари иштирокида ажойиб маданий дастур намойиш этилади. Шунингдек, «Фотон» очик акциядорлик жамияти меҳнат жамоасига «Бахтли болалик» рақс ансамбли ўз санъатини намойиш этади.

Наврўз байрамини нишонлаш дастури асосида бундай хайрли ишлар меҳнат ва ўқув жамоаларида изчиллик билан давом эттирилади.

Шокиром ИСРОИЛОВ,
«Ўзметмашсаноат» касаба уюшма қўмиталари раисларининг шаҳар кенгаши раиси.

КЕЧА

Хитой Тайпейнинг Тайбей шаҳрида 2006 йилги жаҳон чемпиoнати Осмё минтақаси иккинчи гуруҳида иштирок этаётган Хитой Тайпеини — Ўзбекистон терма жамоалари учрашуви билан 2-тур баҳсларига старт берилди.

Футбол

ГАЛАБА КЕЛТИРГАН ЯҒОНА ГОЛ

Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу учрашувда галаба ҳар икки терма жамоа учун сув билан ҳаводек зарур эди. Чунки биринчи турда Равшан Ҳайдаров шогирдлари Тошкентда Ироқ терма жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг натижани қайд этиб муҳим очколардан маҳрум бўлган бўлса, Фаластин терма жамоаси Хитой Тайпейи футболчиларини 8:0 ҳисобида мағлуб эта олганди. Шу боисдан ҳам ушбу учрашувнинг мурасис ўтиши мутахассислару мухлислар томонидан таҳмин қилинаётганди. Дарвоқе, ушбу муҳим беллашувга терма жамоамиз бош мураббийсининг маслаҳатчиси Юрген Гёде таклифи билан асосан маҳаллий клубларда тўп сураётган футболчилар таклиф этилган, легионерлардан Андрей Фёдоров, Александр Гейнрих ва Владимир Шиселовгина терма жамоа таркибидан ҳоқ олганди.

Дарҳақиқат, кутилганидек, учрашув ҳужумкор, тезкор ва шиддатли кечди. Ҳар иккала терма жамоа ҳам майдонга фақат галаба қозониш учун тушган-

ликларини яшириб ўтиришмади. Гоҳ у, гоҳ бу дарвоза олдида уюштирилаётган хавфли вазиятлар мухлисларга ажойиб футболни тухфа этди. Аммо, тажриба, маҳорат бoбидa мезбонлардан анча устунлик қилган ҳамюртларимиз ниҳоят 68-дақиқада рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб мухлислар кўнглини шод этишди. Александр Гейнрих томонидан киритилган гол ўйин охиригача ягоналигича қолди.

Ушбу гуруҳдаги Фаластин-Ироқ терма жамоалари учрашуви 1:1 ҳисобида якунланди. Икки тур якунларига кўра тўрттадан очко жаминган Фаластин ва Ўзбекистон терма жамоалари биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаб туришибди. Иккита дуранг билан икки очкога эга бўлган ироқликлар учинчи ўринда бoраётган бўлса, сўнгги погонадан жой олган Хитой Тайпейи термаси ҳисобида ҳали очко йўқ. Кейинги учрашувларда ҳам футболчиларимизга галаба ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Хоҳ ишонинг, хоҳ ...

ДАРАХТ ҲАМ ТУШУНАРКАН

Яхши ният билан экилган гилос бир неча йил давомида парвариш қилинса-да, ҳосил бермаган. Йиллар бадал ҳосилни сабрсизлик билан кутган хонадон соҳиб Мэлс ака дарахтни кесиб ташлаб, унинг ўрнига шафтоли эмкоқчи бўлганида аёли «ҳай-ҳай»лаб, дарахтнинг лоақал сояси айвонга тушиб туриши баҳонаси билан эрини вaжoҳатидан туширишга муассар бўлди. Буни қарангки, мазкур дарахт шу йили шунчалик шовул мева бердики, унинг ҳосили уйдагиларга шарбатли неъматлари билан баҳра бeрибгана қолмай, балки «бозорни ҳам кўрди».

Мен юқоридa баён этилган лавахнинг шунчалик тасодифи ҳол сифатида шоҳиди бўлганман. Бироқ кейинги вақтларда нуфузли манбаларда йирик олимлар томонидан ўсимликлар сезгиси борасидаги маълумотларни ўқиганимдан сўнг, дарҳақиқат, бу гапда «жон бор» бўлишига ишонч ҳосил қила бошладим. Чунончи, хонадаги, тўвақда ўстирилаётган гул, ўсимлик ўз «меҳрибон» эгасини танир экан, қолаверса, ўсимлик ўз ошuftасига қаратиб гуллайди, ишва қилади. Ўсимликка озor берувчи шахслардан ҳадиксирашар, улардан ўзларини пана тутушга ҳаракат қилар эканлар. Бундай ғайри оддий ҳодисаларнинг содир бўлишини ўта нозик асбоблар воситасида аниқлашга муяссар бўлинган.

Таниқли шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасановнинг «Зироатнома» ағдарма рисоласини ўқир эканман, ўсимликларга хос тушуниш хислати қадимдан шарқ аҳлига маълум эканлигининг гувоҳи бўлдим. Китобдада қайд қилинишича, «Агар дарахт мева қилмаса, бир киши қўлига болта олиб, этагини белига қистириб, энгларини шимариб, ўзини ғазабланган қилиб кўрсатади, сўнг дарахт томонга қараб

югуради ва: «Дарахтни томири билан кесиб ташлайман» деб қасд қилади. Бошқа киши қилиб дарахтни ҳимоя қилади ва унга: «Бу йил тегма, келаси йили мева қилади!» — дейди. Буни қарангки ўша дарахт келаси йили мева қилади ва бу ҳолат тажрибада синаб кўрилган.

Қиссадан ҳисса шуки, бошқалар ҳам ўзининг «қисир» дарахтига болта кўтариб бoриб дағ-дага қилавермаслиги керак. Дарахтдан тузуккина ҳосил оламани деган боғ шайдоси ўсимликка етарлича «меҳрибонлик кўрсатиши» лозим. Жумладан, вақтига қараб тагини юмшатиши, зараркундалардан муҳофаза қилиш мақсадида танасини оҳак билан оқлаши, тутар белбоғлар қўйиши, чангланнишига шароит яратиш ва бошқа тадбирларни қилиши даркор. Бунда маҳаллий ўғитлардан ўз ўрнида фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Бу борада биологик ҳимоя воситалари бўлмиш «олтинкўз» ва «хонқизи» ҳамда захматкаш амилкорларнинг кўпайишига омиликорлик билан ёндошилиши зарур бўлади.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 бoсама табоқ, офсет усулида бoсалади.
5252 нусхада бoсади. Қопоз бeгиши А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сейшанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бeриш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтаамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийет-матбoа акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.